

Зикиров Ихтиёр Якубович

Гулистон давлат университети

таянч докторанти(PhD)

ТОҒ-ВОДИЙ ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТЛАРИДА ВЕРТИКАЛ ВА ГОРИЗОНТАЛ АЛОҚАЛАР, УЛАРНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Аннотация: Мақолада тоғ-водий парагенетик ландшафтлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқаларга таъсир этувчи омиллар, жараёнлар ўрганилган.

Калит сўзлар: контрастлилик, вертикал ва горизонтал алоқалар, парагенетик ландшафт, ландшафт яруслари, вертикал ва горизонтал чегаралар.

ВЕРТИКАЛЬНЫЕ И ГОРИЗОНТАЛЬНЫЕ СВЯЗИ В ГОРНО- ДОЛИННЫХ ПАРАГЕНЕТИЧЕСКИХ ЛАНДШАФТАХ, И ИХ ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ

Аннотация: В статье изучены факторы и процессы влияющие на вертикальную и горизонтальную связи между горно-долинными парагенетическими ландшафтами.

Ключевые слово: Контрастность, вертикальные и горизонтальные связи, парагенетический ландшафт, ландшафтные ярусы, вертикальные и горизонтальные границы.

VERTICAL AND HORIZONTAL CONNECTIONS IN MOUNTAIN- VALLEY PARAGENETIC LANDSCAPES, THEIR INTERDEPENDENCE

Annotation: The article studies the factors and processes influencing the vertical and horizontal connections between mountain-valley paragenetic landscapes

Keywords: Contrast, vertical and horizontal connections, paragenetic landscape, landscape tiers, vertical and horizontal boundaries

Кириш. Маълумки географик қобикнинг таркибий қисми ҳисобланган барча парагенетик тизимлар ўзаро яқин ва ёнма-ён жойлашгани учун ўзаро бир – бири билан боғлиқ ва алоқадорликда шаклланадилар ва ривожланадилар. Айниқса улар ўртасидаги рельефнинг тафовутлари туфайли контрастлилик ҳосил бўлади. Географик қобикдаги контрастлилик қуруқлик ва сувлик

ўртасида, ёки курукликнинг муайян ҳудудий бирликларида юзага келиб тоғ-водий парагенетик тизимларида яққол ифодаланади. Тоғ-водий парагенетик тизимларида рельефнинг хилма хиллиги билан боғлиқ бўлган географик контрастлиликдан ташқари уларни литологик таркибида ҳам намоён бўлади. Тоғли ҳудудларда нураш механизми билан боғлиқ бўлган элювиал, делювиал ва тоғ этакларидаги пролювиал жараёнлар литологик таркибнинг мобиллашуви, транслокациялашуви ва аккумуляцияси таъминлайди. Бунинг натижасида ёнбағир бўйлаб, тоғ жинсларининг латериал (горизонтал) оқими содир бўлади. Дарё оқими туфайли тоғ жинсларининг механик олиб кетилиши, қайта ётқизилиши ҳосил бўлади.

Асосий қисм. Тоғ-водий парагенетик тизимларида вертикал ва горизонтал алоқаларнинг омили иқлим ҳисобланиб, барик босим атмосфера ёғинларининг тақсимланишидаги вертикал градиентларини юзага келтиради.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтларидаги асосий компонентларнинг контрастлилиги туфайли тупроқ ва ўсимлик компонентлари ҳам шу ҳолатни ўзида акс эттиради, яъни уларнинг вертикал минтақаланиши рўй беради. Ландшафтлар аро вертикал ва горизонтал алоқаларнинг кўлами катта бўлиб, энг кичик элементар ландшафт бўлган фациядан тортиб то географик қобикгача ва унинг компонентлари ўртасидаги алоқаларгача давом этади. Аслида ҳар қандай ландшафт келиб чиқишига кўра зонал ва азонал ҳосила ҳисобланиб, географик қобикдаги барча қонуниятларга бўйсунди. Муайян географик қонуниятлар негизида шаклланадиган ландшафтларнинг турли даражадаги вертикал ва горизонтал алоқаларини ўрганиш амалий ландшафтшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ландшафтлардаги вертикал алоқалар аслида компонентлар ўртасидаги алоқалардан иборат бўлиб, вертикал тизимни ташкил этган тоғ жинслари, рельеф, иқлим, сувлар, тупроқ ва ўсимлик қоплами ўзаро мураккаб боғланишларни ҳосил қилади.

Ландшафтлардаги вертикал тузилмаларни Н.Л.Беручашвили геогоризонтлар деб атайди ва унга ландшафт таркибига кирувчи барча компонентларни киритади [1.193-195 - с]

А.Г.Исаченко ландшафтлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни ички алоқаларнинг иккита типи деб ҳисоблайди ва шунингдек вертикал ва горизонтал алоқалар ландшафтлардаги ўрнига келадиган ва келмайдиган ўзгаришларни юзага келтиради дейди. Шунингдек ландшафтларни вертикал ва горизонтал табақаланиши азонал ва зонал омилларга боғлиқ бўлади ва унинг вертикал тузилишини морфолитоген асос, тупроқ, биота белгиласа, горизонтал чегараси бир бирига қўшни бўлган ландшафтларнинг позицион жойлашувига ҳамда модда ва энергия оқимига боғлиқ бўлади деб изоҳлайди [2.127-146с]

А.Г.Исаченко бу ерда позицион жойлашуви билан фарқ қилувчи парагенетик ландшафтлар ва улар ўртасидаги модда ва энергия оқимини назарда тутган.

Ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал алоқалар муайян энергетик омиллар таъсирида вужудга келиб, ландшафтлар ва уларнинг компонентлари доирасида иссиқлик энергиясини механик, кимёвий ва биологик энергияга трансформацияланишига олиб келади. Айнан шу жараён ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал алоқаларни ташкил этиб, табиий ва маданий ландшафтлар ўртасидаги парагенетик боғланиш қонуниятларини очиб беради.

Парагенетик ландшафтлар ва табиий мухитнинг контрастлилиги қоидаларини Ф.Н.Мильков (1977) томонидан ишлаб чиқилган. Бу қоидалар бугунги кунда географик қобикнинг муҳим бир қонунияти сифатида ўрганилади. Унга кўра муайян вертикал ва горизонтал позицияда жойлашган ландшафтларда ходиса ва жараёнларнинг нисбатан бир хиллиги эътироф этилади. Бунинг натижасида ландшафт яруслари шаклланади. Контрастлилиқ ландшафтларнинг вертикал структурасида яққол ифодаланади, горизонтал структураларда контрастлилиқ яққол кўзга ташланмайди.

Ландшафтлардаги вертикал минтақаланиш яъни контрастлилик негизида горизонтал контрастлилик ҳам бор. Вертикал ва горизонтал контрастлилик парагенетик ландшафтларда парадинамик комплексларни ҳосил қилади. Парагенетик ландшафтлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни ўрганиш биринчи навбатда ландшафтларнинг турли позициялардаги ривожланиши, динамикаси, биологик махсулдорлигини аниқлаш учун шароит яратади. Парагенетик ландшафтларнинг вертикал ва горизонтал позицияларида модда ва энергия алмашилиш жараёнлари улар ўртасидаги динамик боғланишларни ҳосил қилади.

Олиб борган тадқиқотларимиз жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бугунги кунда парагенетик ландшафтлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқалар мавжудлиги, бу жараёнлар географик қобикдаги динамик функционаллик эканлигини эътироф этилган ҳолатда унинг амалий жиҳатлари, оқибатларига илмий адабиётларда етарли маълумотлар кам.

Бугунги кунда ландшафтшуносликнинг назарий ва амалий кўламида ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал алоқадорлик масалалари етакчи ўринларни эгаллайди.

Ф.Н.Мильков (1977) томонидан шакллантирилган парагенетик ландшафтлардаги контрастлилик ғояси географик қобикдаги зоналлик ва азоналлик, баландлик минтақаланиши ҳамда горизонтал табақаланиш қонуниятларига мос келади.

Ландшафтшунослик ва табиий география дарсликларида, илмий асарларда ва тадқиқотларда мазкур қонуният В.В.Докучаев, Л.С.Берг, Н.А.Гвоздецкий, А.Г.Исаченко, Ф.Н.Мильков, А.И.Перельман, В.С.Преображенский, А.Э.Федина, В.И.Прокаев ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқотларида етарлича ёритилган.

Ландшафтларнинг вертикал ва горизонтал табақаланиши туфайли ҳосил бўлган ландшафт яруслари позицион-динамик структураларининг ҳудудий бирлиги ҳисобланади. Ландшафтларнинг вертикал ярусларини ҳосил бўлишида гипсометрик омил муҳим аҳамиятга эга. Ландшафтларнинг

вертикал табақаланиши уни ташкил этган компонентларнинг вертикал жойлашуви эмас. Лекин вертикал табақаланишида ландшафтни ҳосил қилган компонентлар тадрижий жойлашган. Бундай компонентларни рельеф, тоғ жинслари, тупроқ, ўсимлик дунёси ташкил этади.

Ландшафтларнинг вертикал чегаралари ҳақидаги маълумотлар А.Г.Исаченко (1965), А.Д.Ретеюм (1966,1977), К.Н.Дьяконов (1971), В.Б.Сочава (1978), И.И.Мамай (1978)ларнинг тадқиқотларида келтирилган. Масалан, А.Ю.Ретеюм томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра ландшафтларнинг юқори вертикал чегараси фавқулодда доимий эмас ва у биологик айланма ҳаракатларнинг кўлами билан белгиланади [4.84-94].

Ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал алоқалар унинг барча компонентларига таъсир кўрсатади ва улар ўртасидаги модда ва энергия оқими туфайли динамик жараёнлар юзага келади.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтларида вертикал ва горизонтал алоқалар ер усти ва ерости оқимини, ёнбағир гравитация жараёнларини ҳосил қилади.

Тадқиқот объектими ҳисобланган Фарғона водийси ҳудудидаги тоғ-водий парагенетик тизимларида вертикал ва горизонтал алоқаларнинг интенсивлиги рельефнинг контрастлилиги туфайли юқоридир. Шунингдек янги тектоник ҳаракатлар туфайли рўй берадиган гравитацион жараёнлар, нураш, коррозия ҳодисалари бундай алоқаларни жадаллаштиради. Парагенетик ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал алоқалар геокимёвий миграцияларни ҳосил қилади. Геокимёвий миграцион жараёнлар ҳам гипсометрик ҳолатга кўра табақаланиб вертикал тизимларда жадал, горизонтал тизимларда эса бир мунча сушт ландшафтлар ва компонентлараро алоқаларни ташкил этади.

Парагенетик ландшафтлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни ўрганишда уларни позицион ҳолатига кўра эгаллаган вертикал ва горизонтал чегараларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Парагенетик ландшафтларнинг вертикал чегараларини ўтказиш ҳам бир мунча мураккаб бўлиб, тоғ тизмаларининг экспозицияси, жинсларнинг литологик таркиби,

рельефнинг мураккаблиги шароитида вертикал чегараларни аниқлашда иқлим, тупроқ ва ўсимликларнинг минтакавий чегаралари асос бўлиши мумкин.

Горизонтал чегаралар эса В.А.Боков(1989)нинг эътироф этишига кўра ландшафтнинг ер усти компонентлари билан бевосита боғлиқдир, шундай ҳолатда вертикал чегаралар кичрайиб боради. Бизнинг фикримизга кўра ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал чегараларни аниқлашда муҳими унинг қуйи чегарасини ажратиб олишдир.

Ландшафтлардаги контрастлилик ва яруслилиқ қанча камайиб борса, вертикал ва горизонтал чегаралар шунчалик аниқлашиб боради.

Парагенетик ландшафтларнинг ўртасидаги алоқаларда уларнинг вертикал ва горизонтал чегаралари миграцион оқимнинг жадаллигига таъсир кўрсатади.

Миграцион оқим парагенетик ландшафтларнинг морфологик тизимлари орқали ҳаракатланиб, ўз навбатида парагентик боғланишлар, уларнинг динамикасини белгилаб беради.

Ландшафт компонентларининг динамиклиги туфайли улар ўртасидаги чегаралар ҳам мураккаблашади. Айниқса, урочише ва фацияларни вертикал ва горизонтал чегараларини тоғ ландшафтларида аниқлаш бир мунча қийинлашади.

Агарда тоғ ландшафтларида урочише ва фацияларнинг чегаралари турли хил литологик таркибдаги тоғ жинслари орқали ўтказилса, вертикал чегаралар горизонтал чегаралардан бир мунча катта бўлади. Агар фациялар бир неча хил литологик таркибдаги тоғ жинсларида жойлашган бўлса, вертикал ва горизонтал чегараларни ўтказиш мураккаблашади.

Текислик парагенетик тизимларида ландшафтнинг морфологик тузилмаларини чегараларини аниқлаш бир мунча осонроқ., лекин қуйи чегараларини аниқлашда бир мунча мунозаралар мавжуд. В.Б.Сочава (1978) фацияларни горизонтал чегаралари биоценозлар чегарасига мос келади дейди. Н.Л.Беручашвили (1990) эса фацияларнинг қуйи чегараларини аниқлашда уч хил ҳолатни эътироф этади:

1. Фацияларнинг қуйи чегараси икки хил туб жинслар оралиғидан ўтказилади;

2. Фацияларнинг қуйи чегараси туб жинслар чегарасидан бошланади;

3. Фацияларнинг қуйи чегараси сизот сувларнинг йиллик ўртача чегараларидан ўтказилади.

Тоғ-текислик парагенетик ландшафтларида вертикал ва горизонтал чегараларни ўтказишни мураккаблиги маҳаллий омилларга боғлиқдир. Монолит ва гетеролит ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал чегараларни аниқлашда рельефнинг мураккаблиги, парчаланганлиги, эрозион-денудацион жараёнларда морфолитоген асоснинг аралашиб кетиши натижасида вертикал ва горизонтал чегаралар ҳам ўзгариб боради ва бу эса парагенетик ландшафтлардаги энергетик омиллар билан боғлиқ функционал динамик жараёнлар ҳисобланади.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтларининг компонентлари ўртасидаги алоқадорлик уларнинг вертикал табақаланишида намоён бўлади. Ландшафт компонентлари таркибида тупроқнинг вертикал минтақаланиши Фарғона водийсини атрофдан ўраб олган тоғларда яққол намоён бўлади. Р.Холиқов томонидан чоп этилган Фарғона водийси монографиясида тупроқларнинг вертикал минтақаланишини бошқа компонентлар (рельеф, тоғ жинслари) билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиб берган (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийсида тупроқларнинг геологик-геоморфологик асосда жойланиши (Р.Холиқов 2020)

Гипсометрик ҳолат	Рельеф	Тоғ жинслари	Тупроқ типлари
300-550 м	Аккумулятив текисликлар	Қумли, гилли, шағалли	Оч тусли бўз тупроқлар
550-800	Паст адирлар	Шағалли, лёссли, алевролитли	Оч тусли бўз тупроқлар

800-1200	Баланд адирлар	Шағалли, конгломератли, алевролитли, лёссли	Тўқ тусли бўз тупроқлар
1300-1700	Паст ва ўртача тоғлар	Лёсс, лёссимон суглинкалар	Типик бўз тупроқлар
2000-2600	Ўртача тоғлар	Шағалли, охактошли, дағал жинслар	Тоғ-дашт тупроқлари
2600 м дан баланд	Ўртача ва юқори тоғлар	Делювиал, конгломерат, шағал	Тоғ-ўрмон дашт субальп тупроқлари

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тупроқларнинг вертикал жойланишида рельеф ва тоғ жинслари морфолитоген асос сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хулосалар. Фарғона водийсининг географик ўрни, худудий жойланиши, рельефининг котловиналик ҳолати ҳаво массаларининг циркуляцияси, ландшафтларнинг ўзига хос вертикал ва горизонтал табақаланишига олиб келади. Марказий қисмидаги аккумулятив аллювиал текисликлар эрозион-денудацион адирлар Марказий Осиё худудининг типик чўллари ландшафтларини ҳосил қилса, тоғ олди худудларидан бошлаб, ландшафтларнинг минтақавий табақаланишида тоғ олди ва тоғ этакларининг дашт ландшафтлари 1000-1200 м баландликлардан бошлаб, тоғ ўрмонлари, тоғ альп ўтлоқлари ва гляциал - нивал, ландшафтларига алмашинади.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқалар улар ўртасидаги экотон зоналари орқали амалга ошади. Экотон зоналар тоғ ва текисликлар ўртасидаги морфологик жихатдан фарқ қилувчи ясси баландликлар бўлиб, тоғ этакларида лентасимон тузилишга эга транзит зона ҳисобланади. Структуравий генетик тузилишига кўра тоғ ва

текисликларни бирлаштирувчи поғонавий тизим сифатида тоғ ва текисликлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқалар орқали ҳосил бўлган геокимёвий миграцион алоқаларни тартибга солиди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Беручашвили Н.Л. Геофизика ландшафта. Учеб пособие для геогр. спец вузов: М.: Высшая школа, 1990. с.-287
2. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. -М.: Высшая школа, 1991. -366 с.
3. Мильков Ф.Н. Принцип контрастности в ландшафтной географии / Ф.Н. Мильков // Известия АН СССР. Сер. географическая. – 1977. – № 6. – С. 93-101.
4. Ретеюм А. Ю. О факторах и формах упорядоченности пространства оболочки земли // Вопр. географии. Сб. 104: Системные исследования природы. М., 1977. -с. 84-94.
5. Боков В.А. Пространственно-временная организация геосистем. Симферополь: СГУ, 1983. – 53 с.
6. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирский: Наука, 1978-292 с.
7. Ҳолиқов Р. “Фарғона водийси” (Табиий география): Монография. Т.: Наврўз, 2020. -168-б.